

7072110

Тариф (ҚҚС ва Махсус устама ҳақ билан)

Сув 1
 $m^3 \cdot 4299,25 + 50 = 4299,25$ сўм
Оқова 1м3.
 $2702,50 + 50 = 2752,50$ сўм

13/3 -сонли шартнома

Истеъмолчиларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

« 24 » январь 2022 й.

Ушбу шартнома Сув таъминоти корхонаси, кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи “Каракалпак суў тэмийнаты” МЧЖ раҳбари А.Мамбетниязов шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилувчи “Нуқус ТТБ” Низом асосида иш олиб борувчи директор П.Ембергенова иккинчи томондан, куйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари (бундан буён матинда II гуруҳ истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш 470 нарх бўйича $4299,25 m^3$ ни:

$1 m^3$ ичимлик сув учун _____ сўм (+ҚҚС 15%), + _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда

$1 m^3$ оқова сув учун _____ сўм (+ҚҚС 15%) + _____ сўм (махсус устама ҳақ)

Шу тарика шартноманинг умумий қиймат 2020647,50 (икки миллион йигирма минг олти юз қирик етти) сўм 50 тийин ташкил қилди.

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 2020647,50 (икки миллион йигирма минг олти юз қирик етти) сўм 50 тийин сўм, бюджет маблағларидан _____ сўм бюджет маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ғазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O`zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ҳамда _____ ҳокимнинг _____ йил _____ № _____ -сонли қарорига, мувофиқ тарифга, $1 m^3$ сув учун 50 сўм, $1 m^3$ оқова сув хизмати учун 50 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқова сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нухасини тақдим қилади, “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни суғориш, ҳовлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.2. Сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи”нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тарморкларидан сув олиб, оқова сувларини “Истеъмолчининг” канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истеъмолчи” билан тасдиқланган “Қоидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувни ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамғаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № -698 сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. “Истеъмолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва “Истеъмолчи” билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш

тармоғини кайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истеъмолчининг” сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилди. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истеъмолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида куйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқова тизими учун магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқова қудуғи магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг кучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи”дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуксиз амалга оширилишини, ўз ҳаёти ва соғлиғига, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;

б) “Истеъмолчи” ҳисобидан ҳисоблаш қурилмасини ўрнатиш.

в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун “Таъминотчи”дан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

г) “Таъминотчи”ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камида 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шаҳсан ёки ўз вакили орқали) бепул олиш;

е) “Таъминотчи”дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

ж) Давлат санитария эпидемиология маркази органлари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик суви билан таъминланмаганлик (сифатсиз ичимлик сув мавжудлиги аниқланган даврдан у тегишли даражага олиб келинган вақт) учун қайта ҳисоб-китоб амалга оширилишини талаб қилиш.

3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

а) шартнома шартларини бажариш;

б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда қўриқланишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқ копоқларини қор ва муздан тозалаш, “Таъминотчи” томонидан ўрнатилган тамғаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан юза оқоваси мавжудлигини таъминлаш, ёнғинга қарши гидрантларга ўтиш йўлларини бекитмаслик, кўрсатилган ёнғинга қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;

в) “Истеъмолчи” ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларнинг устига турли буюм ва материалларнинг йиғилишига ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилмаслигини, шу жумладан, ташки (кўча ва квартал ичидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иншоотлар қурилишига йўл қўймаслик.

г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг транзит нукталарида ҳар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида зудлик билан “Таъминотчи”ни хабардор қилиш;

д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўриниб турган носозликлар, шунингдек тамғани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлиги тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олинмаган ёнғинга қарши гидрантлар мавжудлиги ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали “Таъминотчи”га хабар бериш;

е) “Таъминотчи” билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларни “Таъминотчига” жорий ойнинг охириг қундан кечикмаган ҳолда маълумотларни тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;

ё) шартномада белгиланган миқдордан ортиқ ҳажмда сувнинг ортиқ сарф қилинишига ва оқова сувларининг меъёрдан ортиқ чиқарилишига йўл қўймаслик;

ж) “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;

и) “Таъминотчи”га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қурима ва мосламаларнинг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;

й) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг ифлосланиш концентрациясини меъёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;

к) оқова тармоғига туширилувчи сувларнинг сифатининг мониторингини таъминлаш;

л) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўтказиш ва оқова тизимларида ҳар қандай ишларнинг бажарилишига бегона шахсларни қўймаслик;

м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектларига шикаст зарар етказган “Истеъмолчи” дарҳол “Таъминотчи”га хабар бериши ва етказилган зарарни қоплаш учун “Таъминотчи” техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишни бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаши шарт.

3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

а) “Таъминотчи” қуйидаги ҳолларда, истеъмолчини 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга:

б) “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қониқарсиз ҳолатда бўлса ва “Истеъмолчи” техник фойдаланиш қоидаларини бузиш натижаларини “Таъминотчи” вакиллари талабига кўра бартараф этамаса;

в) “Таъминотчи”нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамға ўрнатишга ва бошқа ишларда “Истеъмолчи” томонидан асоссиз халақат берилган тақдирда;

г) “Таъминотчи”томонидан режали олдини олиш таъмирлаш ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида, “Истеъмолчи” уларга уланган бўлса, ва янги “Истеъмолчи”ларни улаш учун ишларни ўтказишда;

д) “Истеъмолчи”нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча

суб-истеъмолчиларнинг уланиб олганлиги аниқланганда;

е) “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатларда тўлов хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;

ё) “Таъминотчи”нинг розилигини олган суб-таъминотчиларнинг “Истеъмолчи” тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига уланишига рад жавобини берганда;

ж) “Истеъмолчи”лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларини кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;

з) энергия таъминоти тўхтатилганда;

и) табиий офатларда;

й) аварияларда;

к) ёнғин чиққан ерларга сув етказиш ҳажмини ошириш зарурияти туғилганда.

3.4. “Таъминотчи”нинг мажбуриятлари:

а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;

б) сув етказилишини узлуксиз таъминлаш;

в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмол объектлари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташқил этишда амалий ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда “Истеъмолчи”лар сувидан оқилона фойдаланиш ва сувдан оқилона фойдаланишни аниқлаш, сувни етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноатга мувофиқлигини мунтазам равишда назорат қилиш ва уларга тенглаштирилган сув истеъмол қилиш чекловларига риоя қилишни назорат қилиш;

г) “Истеъмолчи”ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатилгандан сўнг, ўрнатилган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) “Истеъмолчи”лар сув қувур хўжалигининг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмаснинг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамғаларнинг мавжудлиги ва бутлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда кўпи билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) “Истеъмолчи”га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ё) сув таъминоти ва истеъмолига оид меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа хужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида “Истеъмолчи”ларни хабардор қилиш;

ж) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат ҳақи тўловларининг тарифлари ошганда, улар кучга кирган кундан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

з) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани “Истеъмолчи”га бепул бериш;

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. “Таъминотчи” ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамғалар, айланиш чизиги жўмраги, гидрантлар ва бошқа сув узитиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамғаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча уланиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларни ташқаридан аралашган ҳолда ўзгартириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

г) ўзбошимчалик билан қурилган ишлоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

д) коммунал дренаж тизми мавжуд бўлса “Истеъмолчи” ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қоидабузарлик аниқланганда “Таъминотчи” ходими ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома “Истеъмолчи”нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 “Таъминотчи”қуйдаги ҳолларда жавобгардир:

а) амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ, узатилаётган сувнинг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) “Истеъмолчи”ларга сув таъминотида уланиш ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) “Истеъмолчи”нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдorigа тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдorigа 2.0 коэффиценти қўлланилади. “Истеъмолчи”нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими “Истеъмолчи”нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.3. Объект эгаси, автоном сув таъминоти(скважина, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими)га ёки марказий коммунал оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда, “Таъминотчи” билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан сув олиш ёки чиқариш учун қўшимча рухсатнома тақдим этиши лозим.

5.4. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаи (артезиан скважинаси, қудуқ, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва ҳ.к.) мавжуд бўлганда коммунал канализация тизимига оқоваларни оқишиш учун тўловлар, ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш асбобининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчига қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбаининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” бутун дебиторлик қарздорлигини сўнгдириши ва “Таъминотчи” билан чиқиб кетишдан камида 7 кун олдин далолатномани тузиш ва имзолаши зарур, “Истеъмолчи” чиқиб кетганидан сўнг, тамғалар ва ҳисоблаш қурилмаларининг бутлиги объектнинг янги эгаси зиммасига юклатилади.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова хўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятдан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

бунда: M – 0.60га тенг бўлган сулфин орқали сув сарфи коэффиценти;

F – суяқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйдаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг

6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гуруҳ истеъмолчилари учун Қонданинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алиштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган ҳимоя қопламисига рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва окова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янгисув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарау. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. “Истеъмолчи” коммунал сув таъминоти ва окова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу қабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қалбул қилинган окова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истеъмолчи” томонидан 3 кунлик муддат ичиқда акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.8. “Истеъмолчи” ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдорида олдиндан тўловлар (преоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига ўўшилади. Агар “Истеъмолчи” икки ҳафта муддат ичиқда тўловни амалга оширмаса, “Таъминотчи” ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки окова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ “Истеъмолчи” зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Канализация тизимига руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш окова сувларини “Истеъмолчи” лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш окова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун “Истеъмолчи”ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффицент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қабил ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеъмолчи”ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида қўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йилнинг 31- декабригача амал қилади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

Карақалпақ Суу Таъминаты
МЧЖ Нукус тумани филиали
х/р: 22638000900503717516
АТИБ «ИПОТЕКА БАНК» Нукус ш.
МФО:00621 ИНН:200357143
ОКЭД:36000 Тел(8 361)412-17-72

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

“ Нукус ТТБ “

Манзил_п.Акиангит Кан Алексей 54
Тел:8(361) 424-43-04
ғаз/х-р 23402000300100001010
Банк: МБББ ХКММ Ташкент ш
Банк коди 00014 СТИР 201122919
ХХТУТ 86100
Шахсий ҳ-р: 100022860352257072110054001
СТИР: 200388184

Нукус Газначилиги булими
Мушарраф
(Азначилик бўлими номи)

Раҳбар П.Ембергенова _____
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо)
« _____ » _____ 2022 _____ й.



Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқ Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос _____

« _____ » _____ 202 _____ й.



Раҳбар А. _____ А.Мамбетниязов
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо)
« _____ » _____ 2022 _____ й.

Qoraqalpoq Suv taminati shartnomasi 1 - ilova

Tomonlarning korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha majburiyatlari

9.3 Shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarishda Tomonlar korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha qoidalarga, shu jumladan amaldagi qonunlarga rioya etilishini ta'minlaydi; ya'ni tomonlar bir-biriga yoki davlat ishtirokidagi tashkilot xodimiga pora berish yoki pora berishda vositachilik qilish, moddiy yoki nomoddiy naf olishdan tiyilishi lozim. Tomonlar ushbu harakatlarning oldini olish bo'yicha chora-tadbirlar qabul qilinishini kafolatlaydi.

9.4 Tomonlar korrupsiyaga qarshi qoidalar buzilganda yoki asosli gumonlar yuzaga kelganda darhol yozma ravishda (elektron pochta orqali) yoki ishonch telefoni orqali bir-birini xabardor qilish majburiyatini oladi. Bunda tomonlar yuzaga kelgan holatga oydinlik kiritish maqsadida yozma izoh talab qilish huquqiga ega va murojaatni olgan tomon 10 (o'n) ish kuni mobaynida tushintirish berishi yoki o'z fikrini bildirishi mumkin.

9.5 Mazkur bobning talablari bajarilmaganda, shu jumladan belgilangan muddatda korrupsion xavf-xatar bartaraf etilmasa, tomonlar amalga oshirgan choralar korrupsion holatni pasayishiga olib kelmasa, boshqa tomon shartnomani bekor qilish huquqiga ega yoki uning ijrosini to'xtatib qo'yishi mumkin.

**ЮРИДИКАЛЫҚ ҲҲМИЙЕТКЕ ИЙЕ ҲҲЖЖЕТЛЕРДИҢ НЫЗАМ
ҲҲЖЖЕТЛЕРИНЕ МУҲАПЫҚЛЫҒЫ ҲҲҚҚЫНДАҒЫ ҲҲҚЫҚЫЙ
Ж У Ҳ М А Қ**

1.Жойбардың түри: Шәртнама

2.Жойбардың аты: Нөкис районлық медицина бирлеспеси ҳәм
“ Қарақалпақ суў тәмийнаты” ЖШЖ ортасындағы ишимлик суў менен
тамийинлеў ҳәм шығынды суўларды алыў хызметлерин көрсетиў бойынша
1 жыл мүддетке 1 шерекке 470 м³ ушын 2020647,50 (еки миллион жигирма
мың алты жүз қырық жети сум,елиў тийин) ға шәртнама дүзиў ҳаққында.

3.Жойбар ислеп шығыўшы ҳәм киритилген сәне ҳаққында мағлыўмат:
Нөкис районы медицина бирлеспеси тәрәпинен 2022-жыл 24-январь күни.

Жойбар Өзбекстан Республикасы Пуқаралық Кодексиниң 364-статьясына
ҳәм Хожалық жүритиўши субъектлер искерлигиниң шәртнамалық ҳуқықый
базасы ҳаққындағы нызамға муўапық ислеп шығылған ҳәм оны қабыл етиў
мақсетке муўапық.

Орай бас юрисконсульты:

2022-жыл 25-январь



Г.Изекеева